TARBIYA PEDAGOGIKASIDA ESTETIK MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

Ergashev R.N.,
Guliston davlat pedagogika instituti
“Pedagogika va psixologiya” professori v.b., p.f.n.
e-mail: ergashev@mail.ru 90 255 14 09

Annotatsiya: ushbu tezisda estetik madaniyatning tarbiya pedagogikasida tutgan o‘rni, uning o‘ziga xos xususiyatlari va nazariy-metodologik asoslari, shuningdek, estetik madaniyatning ijtimoiy-pedagogik xarakterga ega ekanligi, jamiyatdagi roli va asosiy vazifalari, ta’lim va tarbiya jarayonida shaxsni har tomonlama rivojlantirish imkoniyatlari atroflicha yoritilgan.

Kalit so‘zlar: tarbiya pedagogikasi, xalq pedagogikasi, milliy va umumbashariy qadriyatlar, estetik qadriyatlar, estetik madaniyat va uning jamiyatdagi funksional vazifalarni, estetik madaniyatni tarbiyalash vositalari, folklor va uning turlari.

Аннотация: тезисы расскрывают место эстетической культуры в педагогике воспитания, ее специфические особенности и теоритеко-методологические основы, социально-педагогический характер, роль и основные задачи эстетической культуры в обществе, возможности совершенствования всестронне развитой личности в процессе обучения и воспитания.

Ключевые слова: педагогика воспитания, народная педагогика, национальная и обшечеловеческая ценности, эстетические ценности, эстетическая культура и ее воспитательные функции в обществе, средства воспитания эстеческой культуры, фольклор и ее различные виды.

Annotation: the theses reveal the place of aesthetic culture in the pedagogy of education, its specific features and theoretical and methodological foundations, socio-pedagogical character,

role and main tasks of aesthetic culture in society, possibilities of improving a comprehensively developed personality in the process of training and education.

Key words: pedagogy of education, folk pedagogy, national and universal values, aesthetic values, aesthetic culture and its educational functions in society, means of education of aesthetic culture, folklore and its various types.

Ta’lim va tarbiya sohasida olib borilayotgan davlat siyosatida o‘sib kelayotgan yosh avlodni milliy va umumbashariy qadriyatlar asosida har tomonlama tarbiyalash, ularda yuksak ma’naviyat va madaniyatni shakllantirish ustuvor vazifa etib belgilangan. [1]

Milliy tarbiya pedagogikasida barkamol shaxsni voyaga yetkazish, uni estetik tarbiyalash masalasiga alohida e’tibor qaratilgan. Shaxsni estetik ruhda tarbiyalash, unda estetik boy dunyoqarashni shakllantirish g‘oyasi ko‘plab pedagog olimlar ijodi (Safarov N.S.ning «O‘zbek xalq pedagogikasida ilg‘or tajriba va g‘oyalar», Safo Ochilning «O‘zbek xalq pedagogikasida ilg‘or tajriba va g‘oyalar», Izmaylov A.E.ning – «Xalq pedagogikasi: O‘rta Osiyo va Qozog‘iston xalqlarining pedagogik qarashlari», Baubekova G.D., Ibragimova G.X.larning – «Pedagogik meros...» kabi asarlari)da o‘z aksini topgan. [2]

Tarbiya pedagogikasining asosiy g‘oyasi – barkamol shaxsni tarbiyalash, ularni komil inson qilib voyaga yetkazishdir. Zero, inson o‘z tabiatiga ko‘ra, albatta, har doim go‘zallikni his etib yashash, o‘zini-o‘zi takomillashtirib borishga harakat qiladi.

Xalq ertaklaridagi qahramonlar o‘zida milliy g‘ururni mujassam etgan oqil va dono, go‘zal va mehnatsevar, o‘ktam va ko‘rkam bo‘ladilar. Xalq maqollarida: «Shunday inson bo‘lginki, senga qarab xalqing qanday ekanligini bilishsin, o‘z xalqingning munosib o‘g‘loni (qizi) bo‘l». Xalq og‘zaki ijodi o‘zining shakli, ixchamligi va go‘zalligi bilan insonni estetik ruhda tarbiyalaydi. Ayniqsa, ertaklarda o‘z aksini topgan estetik shakllar, obrazlarni yuksak poetik so‘zlar bilan tarannum etilishi, go‘zal tabiatni tasvirlash, uni asrab avvaylashga chorlash – bularning hammasi estetik-tarbiyaviy imkoniyatlarni yanada kuchaytiradi.

Bizning xalqimiz uchun terak – bu muqqaddas daraxt, u – Vatan timsoli. Vatanga muhabbat uyda o‘sayotgan terakni sevishdan boshlanadi. O‘zbek terakni faqat foydali bo‘lganligi uchun emas, eng avvalo – go‘zalligi uchun sevadi. Terakzorlar ona yerimizning xayratlanarli husni hisoblanadi. Dono xalqimiz: «Terak ek – bog‘ yarat», – deb bejiz aytmagan. [3]

Milliy tarbiya pedagogikasi an’analarida atrofdagi olam: «quyosh va inson qalbi, qum zarachalari-yu, shudring tomchisi»gacha bo‘lgan hamma narsa – tarbiya vositasidir. Tabiatdagi umumiy uyg‘unlik, undagi barcha go‘zalliklar – estetik tarbiya vositasi bo‘lib xizmat qiladi.

Folklor – xalq donishmandligining og‘zaki ijodi: ertaklar, maqollar, hikmatli so‘zlar, topishmoqlar, matallar, qo‘shiqlar, o‘yinlar – bular xalq pedagogikasining yodgorliklari bo‘lib, estetik tarbiyaning bebaho vositasi hisoblanadi. Ular bolalar dunyosiga o‘ta noziklik va jozibadorlik bilan kirib boradi, ularni ma’naviy jihatdan boyitadi. K.D.Ushinskiy aytganidek, «Xalq – birinchi tarbiyachidir».

Xalqimiz bolalarni mehnat faoliyati jaryonida tarbiyalagan – mehnat ma’naviyat va estetik qadriyatlarning asosiy mezoni bo‘lib kelgan va shunday bo‘lib

qoladi. Mehnat faoliyatiga qo‘shiq jo‘r bo‘lgan, ko‘zlar quvonishi, badiiy ijodiy tus berish uchun mehnat qurollariga san’atkorona, nazokat va mehr bilan bezak berilgan. Turmushga ziynat, bayramlarga badiiy-estetik tus berilgan. Shu tariqa badiiy-estetik did tarbiyalangan. Xalqimiz tomonidan yaratilgan go‘zalliklar nafaqat xalq pedagogikasining yutug‘i, balki, uning madaniyatidan ham guvohlik beradi. Xalqimizda turmush estetikasi qanday bo‘lsa, ahloq-odob ham shunday yuksak bo‘lgan. Go‘zallik va yaxshilik har doim yonma-yon bo‘lgan. [4]

O‘rta asr buyuk Sharq mutaffakkir-pedagog-olimlarning bizgacha yetib kelgan pedagogik merosi bugungi kun yoshlariga ta’lim-tarbiya berishda ham dolzarb hisoblanadi. Shunga ko‘ra, Izmaylov A.E., Mashkevich A.A.larning «O‘rta Osiyoda o‘rta asr pedagogik g‘oyalari», Nishonova S.ning «Uyg‘onish davri pedagogik fikr taraqqiyotida barkamol inson tarbiyasi», Tllashev X.X.ning «Mutafakkirlar ta’lim va tarbiya haqida», «Yaqin va o‘rta Sharq qomusiy olimlarning o‘rta asrlarda umumpedagogik va didaktik qarashlari», Boboxonov M.ning «O‘zbek ma’rifatparvarlari san’at haqida» kabi asarlari bo‘lajak o‘qituvchi shaxsida estetik madaniyatni shakllantirish mavzusidagi tadqiqot ishimizga asos bo‘la oladi.

Buyuk Sharq mutafakkirlari – Abu Ali ibn Sino, Abu Rayxon Beruniy, Ahmad Yassaviy, Yusuf Xos Xojib, Amir Temur, Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Zahriddin Muhammad Bobur, al-Buxoriy va boshqalarning ijodida inson ulug‘ zot ekanligi, uning ma’naviy tarbiyasi, go‘zalikka sadoqati va muhabbati, bu borada o‘zini takomillashtirib borishi muammolari har tomonlama ochib berilgan. Masalan, A.Navoiy xalqimiz to‘plagan ma’naviy qadriyatlarni ona-Yerga qiyoslab, undan bahramand bo‘lish orqali yuksak madaniyatga erishish mumkinligini uqtiradi. Uning ta’kidlashicha, inson o‘z xalqining ma’naviy madaniyati, uning ma’naviy xazinasiga qanchalik yaqin borsa, u shunchalik yuksaklikka erishadi.

Ayniqsa, biz uchun Abu Nosir Forobiyning go‘zallik, san’at, uning estetik xususiyatlari xaqidagi g‘oyalari, fikrlari, ishlari muhim ahamiyat kasb etadi. Farobiy har qanday predmetning go‘zalligi, undan turmushda optimal foydalanish va yuksak mukammalikka erishishdan iborat, deb hisoblaydi. Uning ta’kidlashicha, insonda tashqi va ichki go‘zallik bo‘ladi. Birinchisi, tabiiy go‘zallik bo‘lib, u libos va bezaklar yordamida erishilgan go‘zallikdan ustun turadi. Ikkinchisi – ichki go‘zallik bo‘lib, u yuksak ahloqiy xulq-atvorga ega bo‘lgan, har tamonlama rivojlangan shaxsda namoyon bo‘ladi. Uning so‘zi bilan aytganda: «Davlati borning davlatini bezaydi, nochorning esa nochorligini yashiradi». [4]

Farobiyning fikricha, san’atning maqsadi his-tuyg‘u va tasavvurlarni uyg‘otishdan iborat. Uning ta’kidlashicha, ijodkor o‘zining ijodiy tasavvurlarini ishga solib, umumiy g‘oyalarini muayyan badiiy obrazlarda mujassam etadi. Farobiy mantiq doirasida she’riyat va notiqlik bilan shug‘ullangan. She’riyatni tasniflaydi. Musiqani – fan sifatida o‘rganib, uni cholg‘uchilik va qo‘shiq ijrochilligi qoidalari bilan bog‘liq bo‘lgan musiqa amaliyotiga va uni ijro etishdan holi tarzda o‘rganiladigan musiqa nazariyasiga ajratadi.

Kuy ohanglarida uyg‘unlik va usulni, fanda – garmoniya va ritmikani ajratib ko‘rsatadi. Ritmik mimikani – tovushlarga emas, musiqa mazmuniga bog‘liq bo‘lgan (raqs, xoreografiyadagi) harakatlardir, deb qaraydi.

Farobiy o‘zining bir necha asarlarida estetik g‘oyalarni ilgari suradi: «She’riyat qonun-qoidalari haqida mulohazalar», «Notiqlik san’ati», «Musiqa haqidagi fanga kirish», «Musiqa ilmining unsurlari haqida risola», «Ohanglar tasnifi». [5]

O‘zbek ma’rifatparvarlari – Furqat, Muqimiy, Zavqiy, Avaz O‘tar, Hamza Hakimzoda Niyoziylar san’atning maqsadi va hayotda tutgan o‘rni haqidagi qarashlari, tamoyillari, fikr va g‘oyalarida estetik muammolar, go‘zallik masalalariga katta e’tibor qaratilgan. Go‘zallikni yaratuvchilarga nisbatan o‘z estetik nuqtai nazarlari bo‘lgan. San’atning inson hayotida tutgan o‘rni va vazifalari, uning yuksak ma’anaviy-estetik tarbiyaviy roli, estetik his-tuyg‘u, go‘zallikni ko‘ra bilish va tushinib yetish kabi qobiliyatlarining rivojlanishi, undan zavqlanish, ilhomlanish va go‘zal fazilatlarining ortib borishiga ta’siri haqida o‘z fikr-mulohazalarini bildirishgan. O‘zbek ma’arifatparvarlari ijodi – o‘zbek xalqi tarixining estetik tafakkuri zarvaraqlaridan joy olgan bo‘lib, ular o‘qituvchilarda estetik madaniyatni shakllantirishda metodologik asos bo‘lib xizmat qilishga munosibdir.

Mavjud metodologik asoslarga tayangan holda bo‘lg‘usi o‘qituvchilarda estetik madaniyatni shakllantirish muammosini hal etish bilan pedagogik ta’limning sifat va samadorligiga erishish mumkin, chunki bo‘lajak pedagog kadrlarni kasbga tayyorlashda bu ko‘rsatkich muhim o‘rin tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to`g`risida”gi PF-60-son Farmoni. –T., 2022. lex.uz

2. Қуронов М. Миллий тарбия. Монография. –Т., “Маънавият”, 2007

3. Xoshimov K., S.Ochil. O‘zbek pedagogikasi antologiyasi. O‘quv qo‘llanma. II- jild. -T.: O‘qituvchi, 1999

4. Воспитательная работа в национальной школе. Учебная программа. Казанский федеральный университет РФ. Казань – 2019. - 13 стр.

5. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. –Т.: 1990

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

МАМАЖАНОВ И.Г.,
Қўқон университети Андижон филиали
академик ишлар бўйича проректор, п.ф.ф.д., доцент

Аннотатсия. Мазкур мақолада олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар таҳлили ва уларнинг натижалари, олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, талабалар мустақил таълимини этиш, уларга яратилган шарт-шароитлар, моддий техник база ва уни янада ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазалар назарий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: олий таълим, сифат ва самарадорлик, таълим, фан ва ишлаб чиқариш, интеграция, мустақил таълим, профессор-ўқитувчилар таркиби, моддий-техник база.

Аннотатсия. В данной статье изучаются реформы, проводимые в системе высшего образования, анализ нормативных документов, принятых нашим правительством в этой сфере, и их результаты, факторы, влияющие на организацию образования в высших учебных заведениях. Кроме того, теоретический анализ мнений об обеспечении интеграции науки, образования и производства, интеграции науки, образования и производства, достижении самостоятельного обучения студентов, создаваемых для них условий, материально-технической базы и ее дальнейшего развития.

Ключевые слова: высшее образование, качество и эффективность, образование, наука и производство, интеграция, самостоятельное образование, профессорско-преподавательский состав, материально-техническая база.

Annotation. This article examines the reforms carried out in the higher education system, the analysis of regulatory documents adopted by our government in this area, and their results, factors influencing the organization of education in higher educational institutions. In addition, a theoretical analysis of opinions on ensuring the integration of science, education and production, the integration of science, education and production, achieving independent learning for students, the conditions created for them, the material and technical base and its further development.

Key words: higher education, quality and efficiency, education, science and production, integration, independent education, teaching staff, material and technical base.

Ўзбекистонда 1997 йилдан буён ҳар бир йилга шу даврда ривожланишларнинг муҳим йўналишларини ифода этувчи ном бериш анъанага айланган. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан шу анънанани давом эттирган ҳолда, 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси чоғида 2023 йил номини **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"** [6] деб, эълон қилинганлиги, бугунги кундаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни янада жадаллашувига олиб келди десак, муболаға бўлмайди. Охирги йилларда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни санаб адоғига ета олмайдиган даражага етдики, у ҳам бўлса ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган таълим сиёсати замирида ҳамда мазкур соҳа ривожи учун қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар замирида намоён бўлмоқда. Бу борада, “Ўзбекистонда узулуксиз таълимни янада ривожлантириш, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш” мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни [1], “.мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш” мақсадида 2019-йил 8-майда “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли қарор[4], “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш” мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони [2] “профессионал таълим тизимини илғор

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг *2019-йил 8-майдаги* “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли қарори

хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш” мақсадида 2019-йил 6-сентябрда “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони[3] ҳамда 2019-йил 8-октябрдаги

“Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда жтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш” мақсадида “Ўзбекистон

Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон [4] Фармонларида давлат ва жамият, шахс, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш асосида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳамда сифатли таълим асосида ўқув жараёнини ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот давомида таҳлил, синтез ва аналогия усулларидан фойдаланилди. Аниқланган тенденциялар мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни ошириш, таълим мазмуни, профессор-ўқитувчилар таркиби, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, модий техник таъминот, талабалар мустақил ишини ташкил этиш каби бошқа муаммоларини ҳал қилиш орқали меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга бўлган талаб юқорилигини кўрсатади.



1-расм. Узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Адабиётлар таҳлили. Олий таълим муассасаларида сифатли таълимни ташкил этиш муаммоси нафақат педагог олимлар балки, олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳар бир раҳбар ва педагоглар жамоаси олдида турган масалалардан ҳисобланади. Мазкур муаммо ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, педагог олимларнинг илмий-тадқиқотлари замирида намоён бўлмоқда. Хусусан, Б.Мирзаевнинг “Олий таълимнинг ривожлантириш истиқболлари”, А.Реймов “Ислоҳотлар-таълим самарадорлигининг мезони”, Ў.Саломовнинг “Спин-офф корхоналри олий таълим муассасасалари иқтисоди ва нуфузини оширади”, С.Самандарованинг “Таълим сифатини ошириш университетларнинг ўз қўлида”, Л.Мигишовнинг “Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар: муаммо ва ечимлар”, Б.Мирқосимовнинг “Халқаро ва миллий тажриба уйғунлиги” ҳамда Ш.Мустафоқуловнинг “Замонавий тенденциялар билан академик мустақиллик сари” номли мақолаларида бугунги олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, таълим сифати ва самрадорлигини ошириш муаммолари, хорижий тажрибаларларни олий таълим муассасаларига тадбиқ этиш, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган [13].

Таҳлил ва натижа.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаси ўлароқ таълим муассасаларида сифатли таълим асосида ўқув жараёнини ташкил этишга таъсир этувчи қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Таълим мазмуни. Ўқув жараёнларини сифат ва самадорлигини таъминлашда аосий кўрсатгичлардан бири бу, албатта таълим мазмунидир. Таълим мазмуни унинг мақсадига мувофиқ, ижтимоий шарт-шароит, фан ва техника, санъат ҳолати ва шу кабини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва у

Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг малака талаблари, ўқув режа, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўз ичига олади.

Давлат таълим стандарти – кадрлар тайёрлаш сифатига, таълимнинг мазмунига қўйиладиган умумий талабларни, таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасаси битирувчиларига қўйиладиган умумий талабларни, ўқув юкламасининг ҳажмини, таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиблари ҳамда механизмини белгилайди. Малака талаблари – олий таълим босқичи битирувчисининг билим, коникма ва компетенцияларига қўйиладиган талабларни ифодалайди. Ўқув режа – олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги, соатлар ва кредитлардаги ҳажмини таълим даврининг тўлиқ муддатини белгилайдиган ҳужжатдир [8]. Дарслик-муайян фанга доир билим асосларини маълум тартибда баён этадиган ва юқори маънавий-ғоявий, илмий услубий савияда ёзилган китоб бўлиб, ўқув адабиётининг асосий ва етакчи туридир.

2. Таълим муассасаларида педагогларнинг таркиби. Маълумки, таълим муассасаларида ўқув жараёнида таълим сифатини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан бири бу педагогларнинг таркиби, уларнинг илмий салоҳияти ва албатта, ўқув жараёнида қўллайдидиган таълим методлари ва воситаларидир.

Шуни таъкидлаш жойизки, ҳар қандай сифатли таълим муаллимга, ўқитувчига, тарбиясига ҳамда уларнинг педагогик маҳоратига боғлиқ. **Педагогик маҳорат** – “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассисга хос бўлган хислатдир” [9]. Бугунги кунда педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда “Ўқитувчиларнинг маҳорати”, “Замонавий ўқитувчининг қиёфаси”, “Ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги” мавзуларда бир қатор изланишлар олиб борилмоқда.

3. Педагог ва талаба-ёшларга яратилган шарт-шароитлар.

Таълим муассасаларида ўқув жараёнида таълим сифатини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан бири таълим олувчи ва таълим берувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан изоҳланади. Бугунги кунда Республикада узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларида ҳам талаба-ёшларга ҳам ўқитувчиларга яратилган шарт-шароитлар бир ҳил эмас. Шунингдек, давлат таълим муассасаларида яратилган шароитлар билан нодавлат ёки хорижий таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар тубдан фарқ қилмоқда. Баъзи давлат таълим муассасаларида нодавлат ва хорижий таълим муассасаларига нисбатан етарли даражада талаба-ёшлар ва ўқитувчилар учун яратилган шароитлар етарли бўлмаганлиги учун ҳам давлат таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тажрибали, илмий даражага эга бўлган педагогларни нодавлат ёки хорижий таълим муасасаларига ўтиб кетишларига сабаб бўлмоқда. Бу албатта, таълим сифати ва самарадорлигига

таъсирини ўтказмай қўймайди. Аввало, узлуксиз таълим тизимида шарт-шароитлар деганда асосан таълим олувчининг ўқиши, билим олиши учун ҳамда ўқитувчининг фаолият олиб боришини таъминлай олишига хизмат қила оладиган жиҳатлар назарда тутилади.

4. Таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан бири бу таълим муаассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашдир. Охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган таълим ислоҳотлари натижасида таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Аммо, бу борада яна бир қатор ишларни амалга ошириш, инновацияларни тадбиқ этиш ҳар бир таълим муаассасаси раҳабари олдида турган вазифалардандир.

5. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан бири **бу, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этишдир.** Бугун жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни “янги иқтисодиёт”ни вужудга келтирди. Бу иқтисодиётнинг номи бир сўз билан айтганда “Рақамли иқтисодиёт”дир. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясининг “таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш” асосий йўналишларидан бири бўлиб, мазкур йўналишда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги қувонарли ҳолдир. Бу борада, таълим муассасаларида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратилди, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этила бошланди, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этилмоқда.

6. Таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан яна биридир.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида “....хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиш мақсадида энди «қўл бошқаруви»дан — аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди” деб таъкидлаганлиги замирида бугунги кун раҳбари одамларни рози қила олиши, бошқарув фаолиятига виждонан ёндошиши, ўз фидоийлиги ва ватанпарварлиги билан ибрат бўла олиши бугунги кунда барча соҳаларда каби таълим тизимида фаолият олиб бораётган бошқарув кадрларига яна бир бор масъулият юклайди [10]. Шу нуқтаи назардан 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” деб эълон қилинганли бежизга эмас, албатта.

7. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан асосийларидан ҳисобланади. Бугунги олий таълим муассасалари олдига қўйилаётган асосий вазифалардан бири бу, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциясини таъминлашдан иборат. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичларига, жумладан, олий таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Б.Усмонов олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантириш масаласини ўрганган бўлиб, у “Олий таълим муассасаси генератор ролини бажариши ифодаланган «Учлик спирал» модели (давлат-ОТМ-ишлаб чиқариш) механизмини қўллаш асосида «таълим, фан ва ишлаб чиқариш»нинг симбиотик инновацион ривожлантиришга асос бўлади” [11] деб таъкидлайди.

8. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг энг асосий омилларидан ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилга ривожлантириш концепциясида “Мактаб — маънавият ва маърифат ўчоғи” концепцияси доирасида олий таълим муассасаларининг умумтаълим мактаблари билан ўқувчи-ёшларни маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касбга йўналтириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш каби масалаларда менторлик модели асосида ҳамкорлигини ривожлантириш [4] масаласи илгари сурилганлиги бежиз эмас, албатта. .

9 . Ўқув жараёнини кредит-модул тизими асосида ташкил этиш жараёнида **талабаларни мустақил таълимини ташкил этиш** бугунги кунда олий таълимда таълим сифатини ва самардорилигига таъсир этадиган омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишдан асосий **мақсад** фан (модул) бўйича ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш, амалий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, когнитив, креатив, ҳамкорликда ишлаш компетенсияларини шакллантиришдан иборатдир [11].

ХУЛОСА

Бугунги кунда таълим сифатини ва самардорлиги оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

биринчидан, узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир раҳбарнинг ўрни ва роли, муассасада сифат менежментининг ташкил этилганлик даражаси;

иккинчидан, ҳар қандай таълим муаассасаларини кадрлар билан таъминланиш даражаси (кадрлар таъминоти), кадрлар заҳираси яратилганлиги;

учинчидан, ўқув жараёнини жараёни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳолати, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлиги;

тўртинчидан, моддий-техник базанинг етарлилиги ва молиявий таъминот - дарсларнинг тўлиқ янги педагогик технологиялар ва техникавий жиҳозлар асосида ўтилишини таъминлаш;

бешинчидан, таълим муаассаларида фаолият олиб бораётган педагогларнинг педагогик маҳорат ва педагогик компетенцияга эгалиги;

олтинчидан, олий таълим муассасаларида кадрларнинг рақобатбардошлиги ва бандлиги таъминланганлиги;

еттинчидан, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциянинг йўлга қўйилганлиги;

саккизинчидан, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижадорлиги.

Мазкур масалаларни тизимли ҳал қилиниши натижасида, ўйлаймизки, барча таълим муассасаларида таълим сифати ва самардорилигини оширишга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020-йил 23-сентябрь. ЎРҚ-637.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 6-сентябрьдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

5. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон Қарори.

6. Ш.Мирзиёев. Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. https://president.uz/uz/lists/view/5774

7. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021-йил 19-октябрдаги 35-2021-сон буйруғининг 1-иловаси. “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. (ЎзДТС 3556:2021)

8. https://uz.wikipedia.org/wiki/Darslik.

9. И.Мамажанов. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанидан тақдимот материаллари.

10. И.Мамажанов. Инновацион фаолият асосида таълим тизимини бошқариш. “Mug‘allim hem uzlisiz bilimlendirio” илмий-методик журнал, Нукус, 2023 йил, 2/2-сон. (март-апрель). 126-135 бетлар.

11. Б.Усмонов. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашув асосида инновацион ривожлантириш. Педагогика фанлари доктори диссертация автореферати. Т.:2020, 32-бет.

12. “Олий таълим муассасаларида кредит-модул тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш” бўйича Йўриқнома.

13. Ўзбекистонда олий таълим. Илмий, ўқув-услубий, таҳлилий журнал. №2, 2022 йил. www.edujournal.uz